

МУНИС ХОРАЗМИЙ ДУНЁҚАРАШИНИНГ ҒОЯВИЙ МАНБАЛАРИ

Ғуломжон Бахтиярович Сапаев

УрДУ мустақил изланувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада маърифатпарвар олим ва шоир Мунис Хоразмий дунёқарашининг маънавий илдизлари, ижодининг ғоявий манбалари ёритилган. Унда Мунис ғояларига устозлари, шунингдек, шарқ классик шеърияти вакиллариининг асарлари ва қарашларининг таъсири баён қилинган

Калит сўзлар: маънавий илдиз, ғоя, манба, дунёқараш, устоз, ижод, ғазал, мухаммас, шоир, Навоий, Фузулий, гуманизм, “Саводи таълим”.

IDEOLOGICAL SOURCES OF MUNIS KHOREZMI'S WORLD VIEW

Gulomjon Bakhtiyarovich Sapaev

Independent researcher of UrSU

ABSTRACT

This article highlights the spiritual roots of the world outlook and ideological origins of the poet-educator Munis Kharezmi. It was explained the influence of teachers, as well as the work and world outlook of representatives of oriental classical poetry on the idea of Munis.

Keywords: spiritual roots, idea, source, world outlook, teacher, creative work, gazal, muhammas, poet, Navoi, Fuzuli, humanism, "Savodi ta'lim".

КИРИШ

Ҳеч бир фикр, ғоя ўз ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, ҳар бир дунёқараш ва фикрларнинг шаклланиши ҳамда ривожланишининг манбалари, маънавий омиллари бўлади. Шундай экан ҳар бир асар ва ижоднинг ғоявий манбалари, маънавий илдизлари бўлгани каби, ҳар бир ижодкор ва олим дунёқарашининг ҳам ғоявий илдизлари бўлади. Хусусан, XVIII-XIX аср Хоразм воҳасининг маърифатпарвар олими Мунис Хоразмий (асл исми Шермуҳаммад Амир Авазбий ўғли) (1778-1829) дунёқарашининг ҳам ғоявий манбалари бор. Бўлган. У ўз даврининг забардаст шоири, тарихчиси, моҳир таржимон ва хаттоти бўлиб, ўзидан кейинги мутафаккирлар ижодига таъсир кўрсата олган маърифатпарвар олими бўлган.

Мунис ёшлигидан адабиёт ва тарихни севган бўлиб, бўш вақтини кўплаб тарихий ва бадий адабиётлар мутолаасига бағишлайди. У ўз давригача бўлган ўзбек ва форс-тожик тилидаги адабиётлар, шу тилларда ёзилган шоир ва ёзувчиларнинг ижоди, лирикаси билан яқиндан танишган, шеърятдан барҳаманд бўлган. Ушбу мерослардан маънавий озуқа олиб, ўзи ҳам бошқаларга ўрнак бўла оладиган гўзал асарлар яратди, ўз даврининг машҳур маърифатпарвар кишисига айланди. Бу ҳақда шоир ўз шеърларида шарқ адабиётининг ўрни катта бўлганлигини айтиб ўтади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқотчи олим Т.Ахмедов айтганидек, Мунис ўзининг шеърятда кенг шуҳрат топишга асосий боис шарқ классик адабиётининг энг порлоқ юлдузлари: улуғ азарбайжон шоири Низомий, Жомий, Ҳусрав Дехлавий, Ансорий, Ҳофиз Шерозий, Аттор, Фирдавсий, Ҳоконий, Анварий, Саъдий, Ироқий, Бедил ижодларини чуқур ўрганиб, улардан чексиз баҳриманд бўлиши туфайли эканлигини ўз ғазалларидан бирида ғурур билан баён этади. [1, Б.13]

Ҳатто айрим ўз даврининг йирик шоир ва ёзувчиларини, жумладан ўша даврнинг йирик шоири Киромийни ўзининг ижодий устози деб билган:

*Тонг эмас, Мунис агар бўлсам киромтий қадрким,
Устоди зоҳиру ботин Киромийдур манга.* [2, Б.17]

Мунис шеърятни таҳлили ва дунёқараши билан танишиб, юқоридаги алломалар ижодининг таъсири бўлганлигини сезиш мумкин. Хусусан, унинг ижодида кўтарилган мавзуларда, шеърятдаги сўз санъатининг ишлатилиши ва фикрларнинг баён этиш услуби, лирикасидаги образларнинг ифодаланиши ва кайфиятини кўрсатишда яққол кўринади.

Шунингдек, шоир Фузулий ва Андалибларни ҳам ўз устози деб ҳисоблайди. Лекин мутафаккирлар ичида буюк Навоий ижодидан жуда кўп нарсалар ўрганганини таъкидлаб, устози ва ўзига ҳомий деб билади:

*Қилса ҳосид даҳли бежо аро йўқтур гамим,
Ким бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манга.
Сўз ичра Навоий жаҳонгирдурур,
Мунисга маони йўлида пирдурур.* [3, Б.6]

Дарҳақиқат, Мунис бошқалардан кўра Навоийни ўзига яқин устоз деб билади ва ижодидаги ғоявий илдизлар Навоий ижодига бориб тақалади. Чунки Навоий дунёқарашида кўтарилган мавзулар, ғоялар ва қарашлар Мунис маънавий меросининг ҳам диққат марказида туради. Масалан, Мунис дунёқарашидаги ватанпарварлик, инсонпарварлик, сахийлик, халқпарварлик,

маърифатпарварлик, ҳақиқат ва адолат, мардлик ва олийжаноблик, тўғрилиқ ва ҳалоллик каби гуманистик ғоялар Навоий ижодининг ҳам асосини ташкил қилади.

НАТИЖАЛАР

Навоий ва Мунис ижоди бир-бирига шунчалик яқинки, ҳатто баъзи асарлари бир-бирига ўхшаб ҳам кетади. Бизнингча, улуғ шоир, шеърят мулкининг султони Навоийнинг ҳаётга ва жамиятга бўлган муносабати, инсониятга муҳаббати, ижодидаги гуманистик қарашлар Мунисда катта таассурот қолдирган бўлса ажабмас.

Мунис ижодига Навоийнинг нафақат инсонпарварлик ва ахлоқий қарашлари, балки ижтимоий-сиёсий ғоялари ҳам катта таъсир кўрсатган. Масалан, Муниснинг сиёсий қарашларида асосан ғоя адолат ва одил ҳукмдор мавзулари ташкил қилиб, Навоийнинг ҳам сиёсий мавзудаги асарларида адолатпарварлик ғоялари, одил шоҳ ва амалдорлар асосий қаҳрамонлар ҳисобланади. Бошқача айтганда иккала шоир сиёсий қарашларида адолатли шоҳ учун кураш ғоясини кўриш мумкин.

Муниснинг Навоийга ихлоси, ижодига меҳри ва ўзига яқин устоз деб ҳисоблаганини, унинг 19 та мухаммасидан 10 таси Навоий ғазалларига бағишланганлигидан ҳам кўришимиз мумкин:

*Васият элга қилур бўйла Муноси дилтанг,
Навоийдек қадидин қилсам ўлгали оҳанг,
Бийик мақом топиб ясангиз мазор манга.* [3, Б.295]

Демак, Муниснинг Навоийга меҳри ва ижодига ихлоси баланд бўлганини англатади. Бунинг сабабларидан яна бири Навоий гуманизми, маънавий меросидаги инсон бахти-камолоти учун кураш, илгари сурилган адолат ва маърифатпарварлик ғояларининг Мунис инсонийлик ва ижодий позицияси ҳамда ғоявий мақсадларига тўла мос келишидир. Шунинг учун бўлса керак, тадқиқотчи олим Т.Аҳмедов айтганидек, “Муниснинг Навоийга боғлаган мухаммаслари анчагина муваффақиятли чиққан.” [1, Б.14]

*Бўлуб Мунис муяссар ёр ила бир ерда ўлтурмоқ,
Навоишлар кўруб, комиш топиб ҳар лаҳза афчунроқ,
Ичиб соғар аёқига тушуб ул навъким туфроқ,
Ониким элтгай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.* [2, Б.315]

Бу масалада яна бир ўхшаш жиҳатни айтиш керакки, Мунис ва Навоийнинг ҳаёт ва ижодий йўллари қисман ўхшашдир. Яъни Мунис ҳам Навоий сингари

саройда ижод қилган ва у ернинг ҳаёти билан яқиндан таниш бўлган, халқнинг оғир ижтимоий аҳволидан хабардор ва буни амалдорлар ҳаёти билан солиштиришга имкони бўлган. У Навоийдек катта лавозимда узок вақт бўлмаган бўлсада, хон саройида бир мунча амалдор бўлиб фаолият юритган. Шунинг учун, бу иккала маърифатпарвар мутафаккир ижодида ижтимоий адолат, одил шох, халқпарварлик каби ғоялар асосий мавзулардан бири бўлган бўлса ажабмас.

Мунис Навоий ғазалларига мухаммаслар битиш орқали улуғ шоир кўтариб чиққан масала ва мақсадларни ўзи яшаган давр кишиларига, жамиятга етказишни, замонасининг одамларини олийжаноб инсоний фазилатлар асосида тарбиялашни мақсад қилиб олади.

*Кофир кўзунгнинг хизматин ихлос ила қилмиш ажсал,
Ханжар мижмангдин айлабон эл бағрини тилми ажсал,
Қотиллигингни, эй пари пайкар, магар билмиш ажсал,
Ғамзангдин ўлтурма ишин таълим ола келмиш ажсал,
Бу навъ устод ўлса, ул оз чоғда моҳир бўлғуси. [3, Б.196]*

Мунис ижоди ва дунёқарашига Навоийдан ташқари буюк озарбайжон шоири Фузулийнинг ҳам маънавий мероси катта ўрин тутган, ҳатто уни ҳам Навоий каби ўз устози деб билади. Мунисга Фузулий ижодининг икки муҳим жиҳати таъсир кўрсатган ва маъқул келган. Хусусан, Фузулий ижодидаги бадий маҳорат ва ғазалларининг равонлиги хуш келган бўлса, ғоявий жиҳатдан ғазалларида айнан Мунис дилидаги гапларнинг, оғриқли ижтимоий масалаларнинг кўтарилганлиги айни муддао бўлган. Чунки Фузулий ҳам ўз даврининг адолатсизлиги, амалдор ва шохларнинг зулмини, тузумдаги ижтимоий адолатсизликни, халқнинг жабру-ситамларини қаламга олади.

Мунис бундай дардли масалалар кўтарилган Фузулий ғазалларидан илҳом олиб, шулар таъсирида ўз ғояларини шакллантирган, ҳатто ўзининг баъзи ғазалларини Фузулий ғазаллари таъсирида ёзган. Масалан:

*Дўст бепарво, фалак бераҳм, давро бесукун,
Дард чўл, ҳамдард йўқ, душман қозий, тола забун. [4, Б.61]*

деб бошланувчи Фузулий ғазалига ўхшаган Муниснинг ҳам ғазали бор:

*Ашк хун, рухсор зарду дил ҳазни, толеъ қаро,
Дард гуногун, фалак дун, аҳли давро бевафо. [2, Б.32]*

МУҲОКАМА

Бу бир қарашда Фузулий ғазалининг такрори ёки таржимасига ўхшайди, лекин аслида устози лирикасидан илҳом олиб ва таъсирланиб ёзган. Айниқса мазмунан ва ғоявий жиҳатдан Мунис фикри ва дунёқарашига маъқул бўлган

Фузулий ғазалларига эътибор қаратади. Масалан, Фузулийнинг ижтимоий мазмундаги ғазалларига кўпроқ мурожаат қилиб, мухаммаслар ёзганлиги фикримиз далилидир:

*Фалак шабгун кўнгу дудин намоён этдигумдандур,
Замин гулзор қон ёшим гулафшон этдигумдандур
Жаҳонда шўри расволиғ фаровон этдигумдандур,
Паришон халқи алам оҳу афгон этдигумдандур,
Паришон ўлдуғум халқи паришон этдигумдандур.* [3, Б.303]

Иккала шоирнинг юқорида келтирилган мисралари ҳам шаклан, ҳам мазмунан уйғунлашиб кетганлигини кўрамиз. Демак, Муниснинг дунёқарашига, айниқса, ижтимоий ғоялари ривожланишида Фузулий лирикасининг ҳам таъсири катта бўлган.

Мунис дунёқарашининг ғоявий манбалари сифатида Андалиб ва бошқа шу каби кўпроқ гуманистик ва ижтимоий мавзуларда қалам тебратган шоирлар ижодини ҳам айтиш мумкин. Мунис асосан гуманизм ва ижтимоий-ахлоқий мазмундаги асарлар ёзган шоирлар ижодига мурожаат қилиб, улардан ўз дунёқараши, фикри ва позициясига мос келадиганларини танлаб олади. Уларни қунт билан ўқиб, мушоҳада қилиб, ўзининг инсоният, жамият ва ҳаёт ҳақидаги ғояларини ривожлантирган, ўз асарларида ифодалаган.

Мунис ҳар доим муайян бир мавзуга бағишлаб асар ёзишдан олдин, шу мавзуда олдин ёзилган асарларни, ўзидан олдинги олимларнинг шу масалага оид маънавий мероси ва ижодини яқиндан ўрганиб чиққан. Шунинг учун Мунис асарлари ўз даврида мукамал ва маромига етказиб ёзилган асарлар ҳисобланган. Масалан, ўша давр учун жуда зарур ва муҳим ҳисобланган, хат-савод ва таълим масалаларига бағишланган “Саводи таълим” рисоласини Мунис, ушбу мавзуга бағишланган ўзидан олдин ёзилган асарларни, яъни Мирали Табризий, Хиротий каби котибларнинг хуснихатга оид ишлари билан танишиб чиққан. Бу эса шу мавзуга оид ғояларини ривожлантиришга, фикрларини бойитишга ва ҳар томонлама етук асарлар ёзишга хизмат қилган.

Маълумки, ҳар қандай инсон, у сиёсатчи бўладими ёки ижодкор олим бўладими, санъаткор ёки шоир бўладими, оддий муаллим ёки хизматчими, ҳаётда ўз устози бўлади. Мунис Хоразмийнинг ҳам катта маърифатпарвар олим ва санъаткор бўлиб етишишида, ёзиш ва ўқишни ўргатишдан тортиб, буюк асарлар яратишига сабабчи бўлган устозларининг ўрни катта бўлган. Албатта ёшликдаги устозлари берган таълим-тарбияси, ўғитлари ҳам Мунис дунёқарашида алоҳида ўрин тутган, ғоявий таъсир қилган.

Масалан, шоир “Саводи таълим” асарида ўз устозлар ҳақида тўхталар экан, устозларнинг илм ва фаросатда тенгсиз эканлигини, улар ўғити ва илми туфайли ўзининг камолга эришишида ўрни катта бўлганлигини таъкидлайди. Хусусан, ёзиш ва ўқишни ўргатган илк устози Ибн Ҳожибга юксак баҳо бериб, мураббийлиги ва илмини қадрлайди:

*Ҳукми аро расми адл возих,
Адли аро ҳукми шаръ лойих.
Илм ичра адили Ибн Ҳожиб,
Илм аҳлига эҳтироми вожиб.* [3, Б.332]

Мунис устозларини кўкларга кўтарар экан, шундай устозларга шогирд бўлиш бахт деб билган, улар билан фахрланган, ҳатто уларнинг намунали ахлоқ-одобидан, юксак инсоний фазилатларидан ҳам кўп нарсалар ўрганганлигини билдиради:

*Ахлоқи ҳамида вақфи зоти,
Ҳар халқ аро ёзилиб сифоти.
Юз шукрки , тошим бўлуб ром,
Шогирдлигида топмишам ком.* [3, Б.333]

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, Мунис дунёқарашининг, илғор ижтимоий-ахлоқий ва илмий-фалсафий қарашларининг шаклланишида, ёшликдаги устозлари берган таълим-тарбияси, уларнинг фикрлари, ўғитлари ва дунёқарашлари катта таъсир қилган. Иккинчидан эса, шарқ классик шеърятининг буюк намоёндалари бўлган Жомий, Навоий, Фузулий, Саъдий каби алломалар қарашлари Мунис ижодининг ғоявий манбалари бўлиб хизмат қилган.

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, Мунис ижодининг ғоявий манбаларига мутафаккирлар ижодидан ташқари, олдинги тарихий даврлар ва ўзи яшаган замон, инсонлар турмуши, ижтимоий тузумни ҳам санаш мумкин.

REFERENCES

1. Т.Аҳмедов. Мунис. Тошкент. Ўзбекистон ССР “ФАН” нашриёти, 1980 й.
2. Мунис Шермуҳаммад. Танланган асарлар /Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Ю.Юсупов. – Т.: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1957.
3. Шермуҳаммад Мунис Хоразмий. Сайланма. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
4. Ўзбек адабиёти, IV том, II китоб, – Т.: 1960.